

Сагторов Тохир Толмас уғли - «Бухгалтерский учет»

ассистент кафедры.

Самаркандский институт экономики и сервиса.

**ДОРИ-ДАРМОН ВОСИТАЛАРИ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ТАШКИЛ
ЭТИЛИШИ ҲАМДА ВАЗИФАЛАРИ, ҲИСОБ СИЁСАТИНИ ИШЛАБ
ЧИҚИШДА ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАР.**

Annotatsiya: Ушбу мақолада фармацевтика саноати корхоналарда ишлаб чиқаришни самарали ташкил этиш ва улар орқали корхоналарнинг ҳисоб тизимида ишлаб чиқариш босқичлари келтирилди. Шунингдек, мақолада дори-дармон ишлаб чиқарувчи корхоналарда ҳисоб сиёсатининг намунавий шакли ишлаб чиқилди бу ўз навбатида таннарх харажатларини назорат қилиш соф фойда кўрсаткичларини ошириш ахборотлардан фойдаланиш корхоналарни иқтисодий самарадорлигини ошириш бўйича хулоса ватавсиялар келтирилган

Калит сўзлар: Ҳисоб сиёсати, тармоқ, ишлаб чиқариш, асосий ишлаб чиқариш, дори-дармон воситалари, молиявий ҳисоботлар

**Urgent issues in the organization and tasks of drug accounting, development
of accounting policies.**

Abstract: In this article, the stages of efficient organization of production in pharmaceutical industry enterprises and through them the stages of production in the accounting system of enterprises were presented. Also, in the article, a model form of accounting policy was developed in drug manufacturing enterprises, which, in turn, includes cost control, increasing net profit indicators, use of information, and recommendations on increasing the economic efficiency of enterprises.

Key words: Accounting policy, industry, production, main production, pharmaceuticals, financial statements

Дунё миқёсида ишлаб чиқариш ва савдо фаолиятининг ўрни бекиёс Жаҳондаги бизнес субъектларининг асосий мақсади максимал даражада фойда олишдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023-й 11-сентябрдаги ПФ - 58-сон “Ўзбекистон-2030 стратегияси тўғрисида”ги Фармонида фармацевтика соҳасида дори воситаларига эҳтиёжни 70 фоизга ички ишлаб чиқарувчилар ҳисобига қоплаш¹ Фармацевтика саноатини янада жадал ривожлантиришга ундайди. Жаҳонда глобал рақобатнинг кучайиши шароитида корхоналарда компанияларда ишлаб чиқариш ва сотиш ҳисобини такомиллаштиришга оид кўплаб илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Кейинги йилларда мамлакатларда МХХС жорий қилиш орқали Халқаро стандартларга ўтаётган мамлакатларда ушбу стандартлар қоидаларни қўллашда маълум муаммолар юзага келмоқда. Айниқса корхона жорий активларини захираларини ҳаққоний баҳолаш, фаол бозорда ҳаққоний баҳони шакллантириш, молиявий инструменларни баҳолаш ва уларнинг молиявий натижаларга таъсири аниқлашда услубий тартиб-қоидалар етарли эмас. Ушбу муаммолар МХХСларини ривожланаётган мамлакатларда фаол жорий қилишда тўсқинлик қилмоқда.

Бугунги кунда, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган фармацевтика саноати корхоналарининг фаолияти етарли даражада ривожланган деб бшлмайди, аҳолининг ушбу маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини тўлиқроқ қондириш мақсадида ишлаб чиқариш корхоналарига етарлича шар-шароитлар ва қулай имкониятлар очиб берилишини таққазо этади. Шундай бўлсада, ушбу тармоқ корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этиш, маҳсулот таннархини аниқлаш, уларни ҳисоб ва ҳисоботда акс эттириш бўйича турли хил ёндашувлар мавжуд бўлиб, ушбу тартиб-қоидалар корхонанинг ҳисоб сиёсатида акс эттирилиши лозим. Бугунги кунда, фармацевтика саноати корхоналарида ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқишда ишлаб чиқариш жараёнларини тўғри ташкил этиш, бевосита ва билвосита харажатларни маҳсулот таннархига тўғри олиб бориш, уларни ҳисоб ва

¹ “Ўзбекистон-2030” Стратегияси тўғрисидаги 11.09.2023й ПФ-158-сон <https://lex.uz/ru/docs/6600413>

молиявий ҳисобот шаклларида шаффоф акс эттириш бўйича услубий тартиблар ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Даставвал, “Ҳисоб сиёсати” ўзи нима, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва иқтисодий адабиётларда у бўйича қандай таъриф ва тавсифлар мавжуд, корхоналарда бухгалтерия ҳисобини ташкил этишда унинг аҳамияти қай даражада буни қуйидаги олимлар томонидан ва халқаро стандартларда келтирилган таърифлардан билишимиз мумкин бўлади.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида “Ҳисоб сиёсати” атамасига қуйидагича таъриф берилган: “Ҳисоб сиёсати – бу тадбиркорлик субъекти томонидан молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва тақдим этишда қўлланиладиган муайян принциплар, усуллар, одатлар, қоидалар ва амалиётлар”².

Халқаро стандартда берилган ушбу таърифдан кўриш мумкинки, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ишлаб чиқиладиган ушбу ҳужжатдан асосий мақсад бу молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва уларни тақдим этишга кўмаклашиш бўлиб ҳисобланади.

1-сон “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот” БҲМСда эса, қуйидагича тавсифланган: “Ҳисоб сиёсати деганда, хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбари бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисобот тузиш учун қабул қиладиган усулларнинг йиғмаси тушунилади, молиявий ҳисобот шу усулларга мувофиқ ва уларнинг қоидалари ва асосларига мувофиқ равишда тузилади”³.

Республикамиз иқтисодчи олимларидан профессор К.Б.Уразов ва М.Э.Пўлатовлар⁴ томонидан ҳисоб сиёсатига қуйидагича таъриф берилган: “Ҳисоб сиёсати – корхона раҳбари томонидан бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тузиш бўйича қабул қилинган тамойиллар ва тартиблар мажмуаси”. Олимлар томонидан берилган ушбу таърифда ҳисоб

² 8-сон БҲХС (IAS) “Ҳисоб сиёсати, ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришлар ва хатолар”.

³ 1-сон БҲМС “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот” // АВ томонидан 14.08.1998 й. 474-сон билан рўйхатга олинган.

⁴ Уразов К.Б., Пўлатов М.Э. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. –Т.: “Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi” - 2021, 560 бет.

сиёсатининг корхонанинг бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича вазифаси ҳисобга олинган бўлсада, бироқ ҳисоб сиёсатининг хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш бўйича вазифаси ҳисобга олинмаган.

“Ҳисоб сиёсати деганда, бухгалтерия ҳисоби субъекти раҳбари томонидан бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этишда йўл харитаси, шунингдек молиявий ҳисоботни тузиш ва тақдим этиш бўйича қабул қилинган усуллар ва принципларга тўлиқ амал қилган ҳолда ўзининг ҳисоб тизимини белгилаш тушунилади”.

Олиб борилган тадқиқотлар давомида Республикамизда фаолият юритиб келаётган фармацевтика саноати корхоналарида ҳисоб сиёсати ва унда ёритиладиган ахборотлар билан танишиб чиқдик.

Фармацевтика саноати корхоналарида ҳисоб сиёсати корхона раҳбарининг буйруғи асосида ҳар бир ҳисобот йилининг бошида ишлаб чиқилади ва тасдиқланади. Ушбу жараён, яъни корхона раҳбарининг тегишли ташкилий-фармойиш ҳужжатлари бўйича расмийлаштирилиши 1-сон БҲМСнинг 55-бандида кўзда тутилган бўлсада, бироқ ушбу банднинг иккинчи хатбошисида ушбу ҳужжат расмийлаштирилган йилдан кейинги йилнинг 1 январидан бошлаб қўлланилиши ҳамда йил давомида ўзгартирилишига йўл қўйилмаслиги (56-бандида кўрсатилган сабаблардан ташқари) кўрсатилган. Демак, бизнинг фикримизча, бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларида келтирилган ушбу жиҳатлар айрим фармацевтика саноати корхоналарида ҳисоб сиёсатини тузишда ҳисобга олинмаган.

фармацевтика саноати корхоналарида бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби ҳисоб сиёсатида келтирилган бўлиб, ушбу корхоналарининг барчаси автоматлаштирилган дастурларда, жумладан “1С: Предприятие” дастурининг турли хил версиялари ёрдамида ўзларининг ҳисоб ва ҳисоботларини юритадилар.

Юқоридаги тадқиқот натижаларидан кўриш мумкинки, бугунги кунда, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган турли мулкчилик шаклидаги фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланаётган корхоналар томонидан ишлаб чиқиладиган ҳисоб сиёсатини уларнинг ишлаб чиқариш жараёнлари хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштиришнинг зарурияти мавжуд. Шу боис, тадқиқот ишимизда, дори-дармон воситаларини ишлаб чиқувчи корхоналарда маҳсулотлари ҳисобини юритиш бўйича, халқаро стандартлар талабларига жавоб берадиган “фармацевтика саноати корхоналарида бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича Ҳисоб сиёсати” ишлаб чиқишни лозим, деб топдик.

Ушбу ҳисоб сиёсатини қуйидаги қисмларга ажратган ҳолда, ахборотларнинг ёритилишини тавсия этдик:

I блок. Умумий тавсифи.

1-қисм. Фармацевтика саноати корхонасининг қайси ишлаб чиқариш тармоғига киришини белгилаб олиш:

- ❖ дори-дармон воситаларини чиқариш тармоқлари;
- ❖ яроқлилиқ муддати яқинлашган маҳсулотларини қайта ишлаб чиқариш тармоқлари.

2-қисм. Корхонада ишлаб чиқариладиган дори-дармон воситаларининг турларини аниқлаш:

- ❖ таблетка дори воситалари ишлаб чиқариш тармоқлари маҳсулотлари;
- ❖ дори-дармон маҳсулотларини қайта ишлаб чиқариш тармоқлари маҳсулотлари.
- ❖ **3-қисм.** Ишлаб чиқариш технологиясининг қайси хом ашё турларини ишлаб чиқаришга мўлжалланганлигини кўрсатиш:
 - ❖ полипропилен гранула хом ашёси;
 - ❖ доривор ўсимлик хом-ашёлари;

- ❖ табиий ва кимёвий моддалар;
- ❖ бошқалар.

II блок. Ишлаб чиқариш тузилмаси.

1-қисм. Ишлаб чиқариш бўлимлари ва уларда ишлаб чиқариладиган дори-дармон воситаларининг турлари:

- ❖ асосий ишлаб чиқариш ин-балк бўлими – таблеткалар турли-хил,
- ❖ преформа –преформа ишлаб чиқариш;
- ❖ ички қисмларни ишлаб чиқариш бўлими – еврокалпачики
- ❖ Навестка бўлими – флакон учун навестка ;
- ❖ кадоқлаш бўлими – кадоқланган дори-дармон воситалари.

2-қисм. Корхонанинг ёрдамчи ишлаб чиқариш бўлимларининг таркибини аниқлаш:

- ❖ групповая этикетка;
- ❖ гранула чиқиндилари;

3-қисм. Умумишлаб чиқариш бўлимларининг таркибини аниқлаш:

- ❖ таъминот бўлими;
- ❖ иссиқлик таъминоти бўлими;
- ❖ ёнғинга қарши курашиш бўлими;
- ❖ қоровулхона;
- ❖ тозалик бўйича бўлим;
- ❖ бошқалар.

III блок. Ишлаб чиқариш жараёнларини баҳолаш.

1-қисм. Товар-моддий заҳираларини баҳолаш усуллари:

- ❖ ФИФО;
- ❖ АВЭКО.

2-қисм. Умумишлаб чиқариш харажатларини тақсимлаш усуллари:

- ❖ ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан;
- ❖ ишлаб чиқаришнинг режали таннархига нисбатан;

- ❖ ходимларнинг иш ҳақиға нисбатан;
- ❖ хом ашё ва материал харажатларига нисбатан;
- ❖ олинган даромадга нисбатан;
- ❖ бевосита харажатларга нисбатан;
- ❖ асосий воситалар амортизациясига нисбатан;
- ❖ бир турдаги асосий воситалар бўйича ижара ҳақиға нисбатан;
- ❖ бошқа белгиларга нисбатан.


IV блок. Молиявий ҳисоботда ёритиладиган ахборотлар.


1-қисм. Корхона томонидан юборилиши лозим бўлган молиявий ҳисобот шакллари:

- ❖ бухгалтерия баланси;
- ❖ молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот;
- ❖ пул-оқимлари ҳақидаги ҳисобот;
- ❖ хусусий камитал тўғрисидаги ҳисобот;
- ❖ изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришлар.

2-қисм. Фармацевтика саноати корхоналарининг ишлаб чиқариш жараёнлари хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда молиявий ҳисоботнинг таклиф этилган янги шакллари.

Юқоридаги ташкилий тузулмадан келиб чиқиб фармацевтика саноати корхоналари учун тавсия этилган “Ҳисоб сиёсати”ни қуйидаги расм орқали ифодаладик (1.1-расм)





1.1-расм. Фармацевтика саноати корхоналарида бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича Ҳисоб сиёсати⁵

хулоса

Фармацевтика саноати корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнлари ҳисобини такомиллаштириш бўйича қуйидаги хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилди.

1. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида фармацевтика саноати корхоналаридаги материаллар асосий ва ёрдамчи материалларга ажратилди. Биз томонимиздан тавсия этилган ушбу таснифлаш фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида бошқарув қарорларини аниқ қабул қилишга, ишлаб чиқариш жараёнларини калькуляция қилишга ва маҳсулот таннархини аниқлашга хизмат қилади, деб ҳисоблаймиз.

2. Шунингдек, дори-дармон воситаларини ишлаб чиқувчи корхоналар томонидан хом ашё ва материаллар ҳисоби таҳлил қилиниб улар бўйича

⁵ Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

бухгалтерия операциялари ҳамда ушбу операция натижаларини бухгалтерия ёзувларида акс эттириш масалалари тадқиқ қилинди.

3. Тадқиқотлар давомида “Фармацевтика саноати корхоналарида бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича Ҳисоб сиёсати” ишлаб чиқилди ва унинг таркибий қисмлари келтирилди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абрютин М.С. Экономический анализ торговой деятельности: Учебное пособие. – М.: «Дело и Сервис», 2000, - 512 с.

2. Аудит. Дарслик I-жилд. (М.М. Тулаходжаева, Ш.И.Илхамов, К.Б.Ахмеджанов ва бошқалар. ТДИУ. –Т.: NORMA 2008. -320 б.

3. Бабаев Ю.В. и др. Бухгалтерский финансовый учет. Учебник для ВУЗов, 2005.

4. Бернстайн Л.А. Анализ финансовой отчетности: теория, практика и интерпретация. М.: Финансы и статистика, 2002. 623 с.

5. Боронов Б.Ф. Корхоналар молиявий активларини баҳолаш ҳамда молиявий ҳисоботларда акс эттириш. Илмий-услубий тавсиялар. – Самарқанд. СамИСИ. 2020. – 36-бет.